Республика иқтисодлаштирилган «Замин» давлат акционерлик-ипотека банк Самарқанд вилояти бўлимининг тулаши бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Жамоа қисқа муддат ичида вилоятдаги молия муассасалари орасида ўз ўрнини топди. Айни пайтда банкни вилоятнинг чекка туманларида ҳам яхши билишди. Хизмат кўрсатиш маданиятининг жаҳон талаблари даражасига кўтарилганлиги, хоймаларнинг ҳушму-малағили, қўшма хизмат турларига бошқаларга қараганда кам ҳақ олинаётганлиги, тури хил маслаҳатлар бериш йўлга қўйилганлиги, табиийки, мижозларни жалб этади. Шу боғ уларнинг сопи қисқа муддат ичида кескин ошди.

Банклар уртасида рақобат кучайган, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич

ўтилаётган бугунги кунда бундай иккибий ўзгаришларни қўлга киритишнинг ўзи бўлмади, албатта. Вилоят ҳокимлиги, республика Марказий банкнинг вилоят бўлими банкни бино билан таъминлаш, унга зарур бўлган шарт-шароит яратиш, ҳулас, жамоанинг оёққа туриб, иқтисодиётини мустаҳкамлашга ердан бериб, қўлаб-қувватлаб турди.

Қуйида хизмат кўрсатиш маданиятининг замон талаблари даражасига кўтарилганлиги, банкнинг вилоят халқ хўжалигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси, муваффақият омиллари, ҳулас, банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида ҳақон қилинади.

Тугриси, банк бўлими очилган вақтда вилоятдаги молия муассасалари уртасида рақобат қилиш, мижозларни жалб қилиш, жамоанинг ўз ўрнини топиб кетиши қийин эди. Бундан ташқари банк алоҳида тармоққа хизмат кўрсатишга иқтисодлашмагани: Бу жамоадан зарур бўлса, мижозларга маълум даражада имтиёзлар бериш, хизмат кўрсатиш маданиятининг замон талаблари даражасига олиб чиқини, мижозларга қўлай бўлган хизмат турларини қўлайитириш, иқтисодиётини мустаҳкам бўлган мижозларни жалб этишнинг талаб қилишди.

Банк худди шундай тарзда иш юритди. Дастлаб иқтисодиёт унча яхши бўлмаган бешта мижоз билан иш бошлади. Уларга бошқа молия муассасаларига нисбатан бирмунча паст нархда хизмат кўрсатиш, хизмат турларининг баъзиларига эса ҳақ олинмади. Масалан, ҳисоб-кисса хизмати учун паст фоизи ҳақ белгилашганлиги, бепул қасса хизмати курсатишганлиги, ипотека қарзи берилаётганлиги, қимматбаҳо қоғозлар билан ишляшнинг ниҳоятда яхши йўлга қўйилганлиги бунга мисол бўла олади. Натига ёмон бўлмади. Иш аста-секин юришганини сабабли мижозларнинг узлари банкка кела бошлади. Уларнинг сопи ҳам қисқа муддатда ошди. Айни пайтда жамоа 188 жисмоний ва юридик шахсга хизмат кўрсатмоқда.

Банк асосан иқтисодиётини мустаҳкам бўлган мижозларни узига олишга ҳаракат қилди. Албатта бунинг сабаби бор. Чунки мижознинг имконияти қанча яхши бўлса, бунинг банкка шунча фойдаси катта. Қисқа муддатда ана шундай мижозлар банкда ўз ҳисоб-рақамини очди. Самарқанд той қадлоқчи фабрикаси, «Самарқандбургас-боби» оғич турдаги ҳиссалорлик жамияти, вилоят кучмас мулк биржаси шу

лар жумласидандир. Қолган мижозлар корхона, қўшма корхона еки савдо шохобчаси бўлиб, унча йирик бўлма-са-да, лекин уларнинг ҳам иқтисодиёти мустаҳкам.

Ипотека кредити беришда ҳам муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Қарз олувчининг имконияти, иқтисодиёти банк ҳолимлари томонидан батафсил урганмоқ-

да. Муассаса ташкил этилгандан бери ҳозиргача 1 миллион 520 минг сум миққорда ана шундай кредит ажратилди. Уларни тулаш муддати 3—5 йилни ташкил қилади. Берилаётган бошқа қарзларни қайтариш муддати бир ойдан унча оғайна бўлиб, бу ҳам мижозларга, ҳам банкка қўлайдир. Хозиргача шундай усулда 12 мижозга кредит ажратилган бўлиб, унинг умумий миққори 6 миллион 630 минг сумни ташкил қилади. Бундай қарзлар ўз вақтида қайтарилмоқда. Энг муҳими, кредитларнинг устама фоизи ишлаб чиқарини корхоналари учун бирмунча камдир.

Молия муассасасида деҳқон-фермер хужаликларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Туртта мижоз фермер хужалиқи ҳисобланади. Ипотека кредитлари уларга ҳам ажратилмоқда. Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси билан яқин ҳамкорликка иш олиб боришмоқда. Узоқ туманларнинг ипотека қарзини олишини истовчи фермерлар узларининг яшаб турган туманларидан палаталарга мувожаат қилиб, маслаҳат сурашди. Палаталар эса уз навбатига уларнинг ҳужжатларини олиб, урганлик банкка тавсия қилади. Банк ҳолимлари хизмат сафарига чиқиб, хужжатларини ўзига бориб ана бир бор урганлишди. Бундай қўлайлик ҳар икки томонга ҳам фойдали бўлиб, ишнинг ривожланишига ердан бермоқда. Каттакўрғон туманидаги «Усмон

қулобод», «Туман» деҳқон-фермер хужаликларига қорамол сотиб олиш учун ипотека қарзлари берилиди.

Банкда мижозларга яратилган шарт-шароит, бинонинг ташқи қўринишидан тортиб ичкарисининг дил билан безатишганлиги, ҳар бир хонадаги компьютер ва жижознинг ўз урнида турганлиги гуе кишини чет мамлакат-

лардаги банкка кириб қолгандай ҳис қилиши турган гап. Банк бошқарувчиси Ботир Нуруллаев бизни яратилган шарт-шароит, хоналар қандай жойлашганлиги билан таништирди. Одамлар билан суҳбатлашиб, қисқа фурсатда бинонинг шундай жиҳозланганлиги, яратилган шарт-шароитдан мамнун экинни қурдик.

— Мижозлар ишимизга яхши баҳо беришяётган экан, энг асосийси биз учун шу, — дейди Ботир Уткирович. — Тугриси, ишнинг дастлаб бошланган вақтимиз баъзилар билан вақтининг оёққа туриб, ривожланиб кетишга унчаллик ишонимиздади. Нафислаб иришга айтадиган бўлсак, уш пайтда вилоятдаги бир неча банклар уртасида иш бошлашнинг ўзи яраша масъуляти ҳам бор эди. Лекин биз ишнинг изланиш, баъзан таваккал қилиб йўлга қўйишдан бошладик. Бир суз билан айтганда, иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун турли хил имтиёзлик хизмат турларини қўлдидик.

Молия муассасаси ўз низомига қура иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар бозорини пухта урганиб, ўз ақилларини ишкарини чикарди. Уларнинг қиймати 6 миллион 612 минг сумни ташкил қилади. Қимматбаҳо қоғозлар жамоанинг ўз мижозлари, шунингдек четдаги юридик ва жисмоний шахсларга сотилди. Бундай изланиш, табиийки, банк иқтисодиётини мустаҳкамлашга ердан берди.

Хуллас, «Замин» банкнинг Самарқанд вилоятида амалга ошираётган ишлари, иқтисодий ислоҳотларнинг иққол самара бераётганлиги тажрибасини оммалаштирса арзийди. Жамоа қисқа муддат ичида рақобатни енгиб, иқтисодиётини яқинлаб, ўз ўрнини топди. Энг муҳими хозир банкнинг номини қуччилик ҳурмат билан тилга олади. Табиийки, бунда вилоят бўлими жамоасининг ҳам катта хизмати бор.

Х. КАРИМОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Тажрибакорлар даласида

ра хужалиги галлазорларини эришиб меҳнат қилляпти. Шунингдек унинг ҳаммаси Бектемир Янгинбоев ҳам урим сурыатиға сурыат қўшишда алоҳида гайрат-шижорат курсатапти. Уларнинг ҳар бири кунига 20-25 гектарга сугориладиган майдонлардаги галлани уришган бўлса, бугунги кунда дамкорларда ҳам сурыат отиға қамчи босишяпти. Шунингдек Баҳодир Турғунбоев, Саттор Пиримқулов, Омон Элибоев, Арзқул Қаршиев, Дустбек Қуролов сингари бошқа комбайнчилар ҳам унум билан меҳнат қилишиб, хирмонга қайта киритишяпти. Мавсумда пешқадамлар сафига бораётган «Самарқанд» — хужалик бошқаруви раиси Шоди Қўчқоров, «Наваҳор» — раҳбари Мамабайим Қўлионов, Боил Ҳасанов номи — етакчиси Баҳодир Темиров, «Ўзбекистон» — сартори Тинчлик Азимов, жамоа хужаликларини ҳосилдорлик ҳам юқори бўляпти.

Иншооллох, галлакорнинг сара дони — элининг ризқу рузи — нони. Ана шу беназир бойлигимизга бойлик қўшилса — қандай яхши!

Абдулла ТУРДИЕВ, «Кишлоқ ҳаёти» маҳсус мухбири.

ЯНГИ НАВ. ХОСИЯТИ

майдондаги галланинг шу йилги ҳосилдан туманимизга 700 тонна сара уруғлик қолдирини мулжалланган. Уруғчиликнинг эҳтижидан ортигини эса бошқа туманларга сотамиз. Аниқ ҳисоб-китобларимизга қура, туманимиз буйича тайёрланган жами уруғлик 4 минг тоннадан ошиб кетди.

«Элита» уруғчилик «Ўзбекистон — Ирландия» қўшма корхонаси президентини Вафохон Солиев, корхона бош директори Мавсум Усмонов, илмий консультант, Самарқанд кишлоқ хужалиги инсти-

турнинг профессори Турақул Хужақулов ҳамда туман раҳбарлари ва кўпчи қўрган тажрибали деҳқонларнинг ҳам фикри шундай!


Ҳосилни қисқа муддатларда,

# АСАД

## Тақвим



— Қўлинг дард кўрмасин!  
 Новвой учун бундан ортиқ саодат бўлмаса керак. Не бахтки, Янгийул туманидаги Одил Бекхўжаев номли нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати фаоллигини мижозлар мамнун. Комбинатда 120 мутахассис ва ишчи меҳнат қилади.  
 — Яқиндан бошлаб музқаймоқ ва лимонад ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди, — дейди бошлиқ муовини Махсуд Махмудов. — Шунингдек макарон ишлаб чиқарувчи дастгоҳ ўрнатилди.  
 Суратларда: 1. Новвой Гулбахор Назарова ва экспедитор Исмаил Йўлдошев. 2. Макарон деҳи ишчиси Хабиба Мелибоева.



Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Илк ёзи бўлмиш саратон эндиликда орда қолиб, 21 июндан бошлаб, унинг уринини асад эгаллади. Ҳа: Ой кетидан — ой келар. Йил кетидан — йил. Фурсатдан фойдаланган — муродга етар,

Бой берган — етолмай кетар. Дарвоқе, ҳаёт ҳам, умр ҳам, куну ойю йиллар ҳам, аслида: «Оҳар сув деганлари шу. Ҳа, бунда фақат чинакам дехқонча омилкорлик асқотади.

Хуллас, асада ёз авжида, қоқ палласида бўлади, шунга қараб, барча дехқончилиги боғбончилик, чорвачилик юмушлари ҳам майжланади.

Бу пайтдаги бош амал: **Асад — экиннинг ясади!** деган ҳикматда жохир.

Эндиликда барча асосий экинлар, боринги, уларнинг «пири» бўлмиш гузани сугориш ҳам, асосан тугалланиб, барча юмушлар бор—бур ҳосилни ясашига қаратилади. Чунончи, ҳар жиҳатдан расаматли ишлов беришми, экинларни уташу ятаналашми, поялар бутлигини таъминлаш — бари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган буладики:

Асадининг бир куну — ўн кунни боқар, — дегани ҳам, шундан.

40 кунлик ёзи чилланинг кейинги 15 куну асада тўғри келадики, бу паллада боғзорлару полизорлардаги сархил ноз—неъматлар обдон шира—шарбат касб этиб, шакару асални ҳам доғда қолдиради.

Чунончи, тилими тилини ёрар қовун—тарвузлар дейсизми, анжир шарфтолилар, ноку нашватилар, хусайнио ҳасайни узумлар дейсизми, эҳ—ҳс...

Бу пайтдаги қовунлардан бирининг: «Асати» номли машҳурлигини айтмайсизми. Ранги зару офтобла баҳлашшини қувверингу, ажойиб нақшдор турларида бир алоҳида нигоҳ қаданг, у, аслида, нақшдор турмас, балки яратганининг ажиб бир сирли-синоатли, битикидурким, буни фақат соҳиби миришкор биледи, холос. Ажабмас, бир кун келиб, у битикни чинакамга уқий оладиганлар чиқиб қолса.

Келинг, анжир бобида ҳақиқат-ла йўрилган куп ҳикоятлардан, бу уринда елгиз биттасини келтириб утайлик.

Одам Ато-ла Момб Ҳаво дунёга келганларида, қарасаларки, қип яланғоллар, баданларини бекитиш-чун ҳеч либос йўқ. Шунда барча дархатлар барглари кузатарканлар, голибо, бир дархатнинг катта—катта баргларида дуч келиб, аини шу барглардан устларини етиб олганлар. Бу—айни анжир эди.

Шу-шу, бу мевага Хизр назар солганки, натижада, уни тановул қилинганда мутлақо бечикит бари-бириси жисминга сингиб кетадикки, узга ноз—неъматлар, бундай ҳосиятдан маҳрумдир.

Келинг энди, қовун навларидан бўлмиш «Оби новвот» ҳақидаги назимий тавсифлардан бир парча келтирайлик:

**Номинг дерлар: «Оби новвот»,  
 Битган еринг: манзил обод;  
 Бир тилиминг еган дегай;  
 «Экканга минг бир раҳмат!»  
 Хуллас;  
 Баракали ёз келганда,  
 Қиш озунинг ҳозирла;  
 Билки, ёз ўтар ҳадемай,  
 Қайноқ, иш, наво, соз ила!**

Р. ЖУМАНИЕЗОВ.

## ТУПРОФИ ОЛТИН ВОҲА

Сурхон водийсининг саҳий қуеши йилга уч ҳосил олишга имкон беради. Лекин бунинг узи бўлмайди. Куп нараса мутахассисларга, уларнинг тупроқ унумдорлигини оқилона фойдалана билан баравар юзга келган тушунчадир. Зеро, асл дехқон доимо табиғатдаги воқеа—ҳодисаларни кузатиб борган, қайси иқлим шароитида ҳосил қандай бўлишини урганиб, шунга мос иш

эспертиза, самарадорлик ва тежамкорлик, экологик жиҳатдан тоза маҳсулот каби тушунчалар таомилдан кенг урин олмакда. Холбуки, аслида буларнинг ҳеч қайси бири янгилик эмас. Аслида мониторинг дехқончилик билан баравар юзга келган тушунчадир. Зеро, асл дехқон доимо табиғатдаги воқеа—ҳодисаларни кузатиб борган, қайси иқлим шароитида ҳосил қандай бўлишини урганиб, шунга мос иш

сурхон қорақули тайерлашга соз.

Сурхондаре воҳсининг энг жазирама жойларидан бири булган Сайхонда чўпонлар қорақул қуйлари боқишади. Уларнинг қўзичоқлари шундай чиройли қўриниш касб этидики, дуне бозориде териси олтинга тенгдир. Майда жингалак, ипадек товланиб турувчи бу юнлар бебаҳолир.

Интичка толали пахта ҳам ноеб экинлардандир. Агар бундай гуздан олдин ердаги озиқ моддаларни қўпайтирадиган экинлар экилса, мул ҳосилга сузсиз замин яратилади. Хуллас, Сурхон воҳсининг иқлим шароити, тупроқидан оқилона фойдаланилса, у мустақил Узбекистонимизнинг туқинчилик манбаларидан бирига айлиниши турган гап.

**А.ПИРИМУКОВ,  
 Тош ДАУ  
 тупроқшунослик, агрохимия  
 ва ўсимликларни химоя  
 қилиш факультети  
 декани.  
 А.ЛЕСНЯК  
 ботаника ва табиғатни  
 муҳофаза қилиш  
 кафедраси доценти.**

## Табиат ва инсон

тутишга ҳаракат қилган. Мониторинг дегани аини шунинг эди. Туғри, бугунги кунда инсон иқлим шароитларини кузатишга имкон бўлган, қайси иқлим шароитида ҳосил қандай бўлишини урганиб, шунга мос иш

рич жойда олиб бормоқ лозим. Интичка бир гектар майдонда бир неча тонна озиқ моддаларни йиғиши мумкин. Агар маккажухори, оқжухори, судан ути билан қўшиб экилса, тупроқдаги азотнинг умумий миқдори ошади, гумус таркиби яхшиланади. Натижада табиий равишда юзга келган тупроқ унумдорлиги йил давомида ям-яшил ем-хашак етиштиришга имкон беради. Бу айниса тилларанг

## Шингил сабоқлар

### ЁЗ ЧИЛЛАСИ

Чилла, бу қирқ кун деганлари, аммо, унинг ҳар бир куну дехқон учун қимматли. Унинг биринчи ярмида экиб қолган ютади; чунки бу пайтда қуёш тафти билан экин маромига етиб пилшади. Кей экинлари эса кеч...

Шу ҳақда машҳур дехқон Мурод Буваддан қолган бир ҳикоят бор: чилланинг охири қирқинчи куну ҳўксиз, омот тегмай юрган бир камбағал йигитга ўша нарсалар тегиб қолиб, ноилжондан ё мош, ё тарик экиларкан. Куннинг иккинчи ярмида тарик экиб бўлиб, ҳўксизга ёғоч омончи судратиб хомуш қайтаётган йигит Мурод Буваддан сўради:

— Ота, айтгин—чи, ҳозир еримга тарик сепаб келаяман, пилшадими ё йўқми?

— Болам, кантингдаги сўнги тарикни сочганингда қуёш қаерда эди?

— Қоқ тепамда, фарбга томон қийшайиб оғаётган эди, чамалади.

— Агар шу пайтдан ярим дақиқа аввал сепган доиларинг ерга тушган бўлса, униб чиқарди. Бордию ҳўксизнинг курагида қолиб, бир оз вақт ўтиб, юмалаб тушканилар бўлса, пилшичи гумон; бор, болам, бахтинга эртаги кун, ёзининг қолган кунлари ҳам иссиқ келсин, кўп ўқинма, биз ҳам сента ўшаб қийналиб, хўрликдан аста—секин пилшиб дехқон бўлганмиз.

### БЕДА ЎРИМИ

Дехқончилик зарурий экинлардан бири беда ҳисобланади, ҳайвонлар учун озуқа бирлиги бўлишидан ташқари, пахта билан алмашлаб экишда ҳам аҳамиятли. Эрта баҳорда экинган беда ёмғирлар нами билан тўлиқ униб чиқлади.

Ота — боболаримиз бу экин уруғини авайлаб сақлаб, қай вақтда экиш, қачон ўриш ҳақида турлича фойдали маслаҳатлар берганлар. Ҳозирда ҳам тadbirkor дехқон бир мавсумда 5-6 ўрим олади, судраларини эса 3-4 ўрим билан қолиб кетади. Гектаридан олинадиган ҳосил чўти ҳам ҳар хил.

Бу хусусида қадимдан қолган бир ҳикоятни мисол келтирмоқчиман: Бойга бир йигит ишга ёлланиб келганда, бой унга 5 таноо бедани ўриш ва йиғишни шартлашган, қачон йиғиштириб тугатсанг, ҳақининг олиб кетавер деган.

Бечора йигит қийналиб, терлаб—пишиб бедани қиритишга, илдиришга етказиб ўраётганда бир мўсафид ота ўтиб қолибди. «Ҳорма, болам, намунча жон қўйдирмасанг, мақсадинг нима?»

— Отажон, уч йилдан бери қийналанман, илдиришга етказиб ўраман, баттар авж олади, — дебди. Шунда қария табассум—ла:

Тескарисини қил, каллакча, ярим белидан ўравер, болам, тезда жавобинг қўлинга тегди, — деган экан.

Бир вақт бой айлиниб ўтиб қараса, ахвол бошқача, «Бир ўришда бедани қуритадиганга ўхшайсан, сенга, жавоб, ҳақининг олиб кетавер» деган экан.

Бундан хулоса шуки, айрим ҳўжаликларда агрегатлар яхши мосланмай, беда чалама — чатти, ота айтгандай, каллакчаб ўрилади, шу тўғайли ҳосилдорлик камайиб кетади. Беда экидан миришкорлар бу зарури экин турига бепарво қарамасликлари, бобо дехқонларимиз насихатларига амал қилишлари жоиз.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ

Ориф пакана ҳўжаликда уста. Қулданга еш боланинг узи бўлади—қолади. Баъзилар Орифнинг қулоғи қимирлайди дейишади, узим қўрмаганман, бир нараса деймайман. Лекин гап қимга ўхшаши—ю, нимаси қимирлаши хусусида эмас. Ҳамма қўйдан қовош, «еш болага ўхшаши» деб юрган уста Ориф бозорда ун минг сумини олдириб қўйди. Эл озига элак тутиб буладими, дарров кишлоққа миш—миш тарқалди: «Уста Ориф (Ориф қалта—чи) — Қурвон Фармоннинг угли бор—ку! юз минг пул йўқотиб, хеш—акраболаридан етмиш минг қарз қутарибди. Миш—миш ўз йўлга, лекин ангаги, унинг бўйидаги ун минг қарзи бор.

Уста Орифнинг отаси узоқ йили бедаво дардга чалиниб қазо қилган. Онаси—мунқиллаган, бир бурда нонни у лунжидан бу лунжига ўтказавериб, охири чойга ивигит ютади. Укаси Тошкентда аспирантмиш—лаборантмиш бўлиб ишлайди. Ҳар ярим йилда кишлоққа келиб туради. Ҳеч жир битмайди — қоксуяк.

Уста Орифнинг хотини бола—чақасиям бор, албатта; эл қатори турғ утил, икки киз. Хотини яна алланарсаларга бошқоронги бўлиб юрибди. Қушни аёлларга «эрракча худони узи инсоф берсин экан—да» деб зорланиб қўяди тоҳо.

Ҳа, уста Орифнинг отаси қазо қилган, лекин худого шукр, амакиси ҳаёт. Бу гап қулоғига чалиниши билан жиннингикига югурди.

Амаки табиятан сал асабийлашса юзига қон тепади, юзи қизганини ҳис қилса яна асабийлашади, жаҳли чикса қулоқларигага қизариб, довиллаб кетади. Ҳозир ҳам йўл бўлиб қизганидан қизиб келган эди, лекин тошкентлик жиннингни қуриб, ҳар қалай узини босиб олди, у билан қулоқ сўрашди, ишнини, маошини сўраштириб, бош чайқаб қўйди: — Ҳа, ойлигинг қамакан. Бу ойлик билан шаҳарда яшап қийиндир. Ичадиган сувингача — пул тўлайсан...

Уста Ориф еш болага ўхшаб, бошини этганча, «гал»ни кутиб утирар, ер остидан хотини билан куз ўриштириб қуларди. Қулларди-ю, уйлари:

«Туғри, хато қилдим. Боринги, амаки, ун минг қарз бўлдим. Дейлик, сизланам беш миш олдим. Хуп, нима бўпти. Узаман. Қочиб кетмайман-ку.

Э, амаки, ҳаммаси майли—ю, буни манови укам билмас яхши буларди—да...»  
 Лекин амакиси гапининг тўғриси айтидиган, одам эди, айтиди:  
 — Мандан шунга пул олувдийизми, усто? —деди.

Уста Ориф амакисидан ҳамма гапни кутсам, бу гапни кутмаган эди, хотинининг бирортаям уруғи унга берган қарзини миннат қилгани йўқ—у, ўз тутишган амакиси бундай деб турибди.

— Бераман ўша беш мингизди, — уста қизариб—бузариб укасига қараб қўйди, — ҳозир тоғиб бераман.

Амаки гапидан бу маъно чиқишини ўйламаган экан, бир зум туғилиб қолди:  
 —Э-э-э, ман санга берган пулимни пеш қилдимми, нолон!

Узинг жуабирлайди жон бўлсан. Ё пулни ердан шипириб олисанми? Унда мана укангга бер, бирор мингни. Бола—чақангни елир—қийдир.

Узининг устинга қара...  
 Амакиси узоқ гапирди: уста Ориф ер чизиб



Ҳикоя

утираверди, утираверди. Амакисидан хотини гапни илтиб кетди:

— Мани қурган киши ҳечам энди утизга кирган демаяди.

Қизилтепага чиқай десам, кийимларимдан уелама, — сунг қайнисига қаради, — укажон, ман сизга билдирмай девудим, амаки айтиб қўйдилар, сиз узишга олманг. Ман аҳмоқ бир тийин ортисман, бир тийин тутиб юрдим. Шу рўзгорни деб...

Ҳай, мени декрет пуллариниман йўқ қилдирди-я!  
 Уста Ориф тиржайиб лўкма ташлади:  
 — Декрет пулим икковники-да!  
 — Хе, сизга қулим бўлса.

Шаҳарлик меҳмон дам бош эгиб, ер чизиб утирган акасига, дам лаби—лабига тегмаётган янгасига қаради. Охири уам акасига ўхшаб бош эгиб олди. Гоҳида ер остидан муллаваччаларга ўхшаб пойга томонла, утирган қалта—узун, ниймон болаларга қараб—қараб қўяди.

Кампир мушдай бўлиб утирар, бош эгиб утирган каттасига қарагани сайин, юраги баттарроқ ачишарди. Охири улкаси тўлиб кетди. Емон ҳодиса юз берганини мурғак

юраклари билан ҳис қилиб турган неваралари кампир «пиқ—пиқ» йиғлай бошлаши билан унинг атрофини ураб олишди, икки қизча ури—рост ҳиққилиб бошланди. Келин жимиб қолди.

Уста Орифнинг тоғар—туғари емоимас. Кишда эппик—дераза, ясайли, бир—яримда сандик, галтак (арава—галтак) қилиди. Гоҳида ҳол—жонига қўйилмасга унга—бунга бешик ҳам қилиб бериб. Унинг қўли енгил, ишиям пухта—пишқик. Аммо—лекин у кунгил одам—қуши товласа чап ишлайди, бўлмаса, шпдан келади—ю, мол—ҳолга қараган бўлиб, кейин телевизорни чақиллатиб етаверди. Туновни хотини овқатдан сунг майин гап бошлади:

— Хужайин, илгарилари эппик—тириза қилардиди.

Уста Ориф эшитмасликка олди.

Хотини овозини бир парда кутарди:  
 — Тилво қазиб тумичка сураб келди.

Уста Ориф узи бир нараса демаса хотини чакак уришдан тинмаслигига кузи этиб, телевизорнинг овозини пасайтирди:

— Булди, сани гапингиз ҳам эртага Рамазон қораникида иморат бошлайман.

Хотини тинчиди. Уста ҳақиқатдан ҳам эртаси иморат бошлади. Ҳамма машааша шу иморатни тиклашда ўз берди. Йўқ, аслидаку, иморат бир баҳона бўлди. Ҳамма бало шундаки, уста кунгил олам.

Пайти—пайти билан уз—узидан қисилиб кетади. Бунақа пайтлари уста узини қўярга ўзи тополомай қолади. Қули ҳеч ишга бормайди. Уз—узича тинимсиз гимиллаб, қорин гамида юрган курт—қумурскага ўхшаб кетади. Одатда шунақа пайтлари, телевизорни чиқиллатиб кино излаб қолади. Тополмаса, шартта телевизорни ўчириб қул қолади, бунгаям кунгил тўлмаса, хотинигами, онасигами гапни маъқул қилади:

— Товба, чулним—қулним курсатиб, ярим соатлаб тинг—тинг қилади! Кимга кераги бор? Ундан кура қўймайди кинолардан.

Тунгиллаб—тунгиллаб кучага чиқиб кетади. Шундай қилиб гап иморатда эмас, устанинг кунлиди.

Туғри, у пул йўқотди. Боринги, ун минг қарз бўлди. Хуп, бугун бўлмаса, эртага узали.  
 Ҳаммаси майли—я, буни укаси эшитмаса яхши буларди—да.

Эртаси укаси кетишга отланди. Буйинбоғини туғиларкан, акасига насиҳат қилган бўлди.

Хотини қўяди—қўймай қайнисининг чўнтагига пул тикиди.

Уста «акангини хотинини қўрлингми» дегандай керилиб тураверди, укасининг хижолат чекаётганини қуриб, дуқ урган бўлди:  
 — Берангдан кейин олаверайсанми! Сан ҳар хил халға борма, акангининг пули куп...

Бобомурот ТОШЕВ.



Чори Санаев мана йиғирма икки йилдирки, Касби туманидаги марказий поликлиникада самарали меҳнат қилиб келади. Аини чоғда унинг ишдан беморлар беҳал миннатдор. Чунки у ўз ишнинг устаси бўлиши билан бир вақтда беморларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор билан қарайди. Мумкин қалар уларнинг дардига шифо топишга ҳаракат қилади.

СУРАТДА: Чори Санаев навбатдаги беморни қабул қилмоқда.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги «Ота-экспресс» хусусий фирмаси тугатилди. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

## Бу турфа олам

### УХШАТМАСДАН УЧРАТМАС

«Си-Эн-Эн» телекомпаниясининг машҳур шарҳловчиси Лэрри Кинг еттинчи бор уйланишга жазм қилди.

63 ёшни уриб қўйган қўёнинг навбатдаги қайлиги 37 ёшли Шон Сауфик исми аёл бўлиб, у аини вақтда мусиқа билан шуғулланади. Шунингдек, хушомат Миссис Сауфик телеракламаларда ҳам қатнашиб туради. Лэрри Кинг у билан бир ёстикда бош қўйганларнинг учинчиси бўлади.

### БАЛИҚДЕК СУЗУВЧИ

Австралиялик 22 ёшли Сьюзи Мэрион Куба билан АКШни ажратиб турадиган Флорида бўғизидан сузиб ўтишга муваффақ бўлди. 144 километрлик масофаниннг адоғига етиш учун унга бир кеча—кундуздан энедор вақт керак бўлди. Бу муваффақият Сьюзининг биринчи «мўжизаси» эмас, у 93 километр масофани 24 соатда сузиб ўтди. Гинеснинг рекордлар китобидан жой ҳам олган.

### ТАДБИРКОР БУЛИШ ОСОНМИ?

Италия Жанубида жойлашган Бари шаҳри марказидаги энг гавжум меҳмонхоналардан бирининг ҳовлисида ёш тadbirkorлар ва менежерлар учун гаройиб тайёргарлик машқи ўтказилди.

Ҳовли саҳнига ҳали чўғи ўчмаган кўмир ётқизилди. Махсус буйруқдан сўнг бўлгуси тadbirkorлар — ўқув машқи иштирокчилари бу «чўғ гилам»дан оёқларини гуғриб ўтишди. Маълум бўлишича, бу «имтиҳон» тadbirkor билимига ҳаддан италиялик ёшларнинг иродаси ва ички қудратини синаш учун қўйилган экан.

### ФРАНЦИЯЛИК «ОСТРОВСКИЙ»

43 ёшли франциялик журналист Жан-Доминик Боби фалаж бўлишга қарамай, ўзини олдиладан китоб ёзиб қолдиришга улгурди. Журналист вафотидан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, унинг «Скафандр ва парвона» деб номланган маъруз китоби нашрдан чиқди.

«Скафандр ва парвона» Францияда машҳур бўлмастгил ҳам мумкин эди. Агар... муаллиф уни ўлим тўшагиде ётиб, фақатгина чап қовоғи ёрдамида «ёзмаганида». Қизиги шундаки, котиба қиз ҳарфларни эринамасдан бирма-бир қўраштириб турган ва Боби керакли ҳарфга келганда чап қовоғини қисиб, тасдиқ ипорасини берган. Чунки, унинг чап қовоғидан бошқа бирор аъзоси ҳаракатланмас эди.

Китоб гарчанд кўп нусхада чоп этилган бўлса-да, тезда сотилиб кетди. Наприёт эса худлик билан уни қайта чоп этишга қийинди. Афсуски, Бобига буни қўриш nasib этмади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ  
 Тахрир хайъати: Маркс ЖУМАНИЕЗОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддикжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУХАМедОВ.

ҲОМИИ:  
 «Ўзқишлоқ» жапон таъминоту тизими  
 давлат-ширкат кумпаниси  
 «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32  
 ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир уринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93.  
 Дехқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1-36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.